

А Ж Р И М

2021 йил июль ойининг 27-куни жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди, Қува тумани, Маданият уйи биносида сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи З.Омонов, Х.Абдуллаев котиблигида, тарафлардан прокурор катта ёрдамчиси Д.Абдуваққосов, жабрланувчи О.Каримова қатнашувида

Сотволдиев Изатилло Абдимуминович (Sotvoldiyev Izatillo Abdumuminovich), 1984 йил 9 март Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, оилали, уч нафар фарзандлари бор, Қува тумани, Янгиобод МФЙ, Обихаёт кўчаси 11-уйда яшовчига оид

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисми билан юритилган 1-1511-2101/212-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Гумон қилинувчи Сотволдиев Изатилло 2021 йил 5 июнь куни соат 12³⁰ларда бошқарувидаги “Нексия” русумли, давлат рақами 40 О 567 DA бўлган автомашинани Қува тумани, 4р-140 “Марғилон-Қува Мархамат” автомобиль йўлининг 35 км.да бошқариб, Ўзбекистон Республикаси йўл ҳаракати қоидаларини 77-бандида кўрсатилган “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деган қоидаларни қўпол равишда бузиб, рул бошқарувини йўқотиб, йўл четидаги бетон симёғочга бориб урилган, натижада автомашинада бўлган Каримова Одинахон тан жароҳати олган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизанинг 15.06.2021 йилдаги 4011-сонли экспертиза хулосасига кўра, О.Каримованинг олган тан жароҳатлари “ўртача оғирликдаги” шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.



Дастлабки терговда гумон қилинувчи И.Сотволдиев ва жабрланувчи О.Каримова ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ўзаро ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Қува тумани ИИБ ҳузуридаги ТБ суриштирувчисининг 2021 йил 13 июль кунги қарорига асосан, гумон қилинувчи И.Сотволдиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи И.Сотволдиев суд мажлисида, айбига иқроп бўлиб, ҳақиқатдан ҳам, 2021 йил 5 июнь куни соат 12³⁰ларда бошқарувидаги “Нексия” русумли автомашинани Қува тумани, Чаман кўчаси худудида бошқариб, рул бошқарувини йўқотиши натижасида йўл четида турган бетон симёғочга бориб урилгани, натижада автомашинасида бўлган О.Каримова тан жароҳати олгани, ҳозирда жабрланувчига ёрдам бергани ва у билан ярашиб олгани, қилган ишидан пушаймонлигини баён этиб, жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни илтимос қилди.

Жабрланувчи О.Каримова суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам, ходиса куни И.Сотволдиев бошқарувидаги “Нексия” русумли автомашинасида кетаётиб йўл-транспорт ҳодисасига учраб тан жароҳати олгани, ҳозирда И.Сотволдиевга нисбатан ҳеч қандай моддий-маънавий зарар хусусида даъвоси йўқлиги, И.Сотволдиев ўзига керакли ёрдамни кўрсатгани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангач, ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилгани, келгусида мазкур иш бўйича иш юритиш қайта илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши ҳақида тушунтириш берилганини айтиб, ишни ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига мувофиқ ЖК 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз қилмишига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлик муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи О.Каримова ҳамда гумон қилинувчи И.Сотволдиевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурорнинг жиноят ишини томонларни ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи И.Сотволдиевни содир этган қилмишига иқрорлигини ва иш бўйича моддий зарарлар тўлиқ бартараф этилгани, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини



инобатга олиб, И.Сотволдиевга нисбатан юритилган жиноят ишини томонларнинг ярашгани муносабати билан тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисми, 585 ва 586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Сотволдиев Изатилло Абдимуминович (Sotvoldiyev Izatillo Abdumuminovich)ни Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисми билан мазкур кодекснинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

И.Сотволдиев нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик ҳақидаги масаласи ҳал қилмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчига етказилган зарар қопланганлиги эътиборга олинсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Фарғона вилояти судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

З.Омонов

